

**“МАНМУДХО‘ЈА ВЕНБУДИЙ ПУБЛИСИСТИКАСИ ВА ЖАДИД
МАТБУОТИДА ИҶТИМОИY-СИYОСИY МАСАЛАLARNING ЁРИТИЛИШI”**
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

**ЖАДИД МАТБУОТИДА ИҚТИСОДИЙ МАВЗУЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШ
МАСАЛАЛАРИ**

Садоқат Махсумова
Ўзбекистон журналистика ва
оммавий коммуникациялар
университети, PhD

Барча даврларда ахборот етказувчи манбалар оммани бир йўналиш, соҳа ҳақидаги тасаввурини шакллантиришга хизмат қилган, турли саволларига жавоб берган ва осон тушунишига хизмат қилган. Хусусан, иқ тисод масаласи, доим қизиқишлиар марказида бўлган. Боиси у аҳолининг турмуш тарзи, давлатга тўловчи солиқлари, топадиган даромади, сарфлайдиган маблафи, умуман, кундалик эҳтиёжи билан бевосита боғлиқ бўлган масаларни қамраб олади. Шунинг учун ҳам иқтисодий мавзуларда ёритилган мақолалар ўқувчилар томонидан қизиқиш билан ўқилган, ўқиб келинмоқда. Аммо яна бир жиҳат борки, мазкур мавзу қамрови доим ҳам давлат ташкилотлари, ижро бўғинлари учун қулагай бўлмаган. Дейлик аҳоли тўлаган солиқлари қаерга сарфланаётгани ҳақида саволларга доим ҳам очик жавоблар билдирилмаган. Ахборот манбаларининг ёпиқлиги эса иқтисодий мавзулардаги материаллар сон ва сифат жиҳатдан тушишига сабаб бўлган. Шу жумладан, жадид матбуотида ҳам иқтисодий масалалар кенг ёритилган, таҳлилий материаллар, журналист суриштирувлари олиб борилган ва эълон қилинган.

Хусусан, 1914 йилда ташкил этилган «Садои Фарғона» газетасида Туркистон иқтисодиётiga оид бир неча мақолалар босилган. Уларда ўлкага капиталистик иқтисодий муносабатларнинг кириб келиши, адолатсизлик ва суиистеъмолчиликлар халқнинг тобора тинка-мадорини қурита бораётгани ҳамда Европа банк ва фирмаларининг асл башарасини очиб ташлади: «...Оқча керак бўлса Фарғонага кел ва юринглар деб бир неча кунда: 25 фирма, 10 банк, 5-10 комиссионний контуралар очилуб, ўн, йигирма тарафдан оқчани тортавердилар... Банк ва фирмалар фақат Низомга тўғри келтуруб ишларини ўзлари хоҳлаганларича қилуб, қанча инсофсизлик қила билсалар қилдилар» [1, 51 б.].

Мазкур нашнинг бош муҳаррири Обиджон Маҳмудов тадбиркор шахс бўлгани учун иқтисодий масалаларни(савдо, ишалб чиқариш, маҳаллий аҳолининг асосий машғулоти бўлган ҳунармандчилик) яхши тушунган ва нашрда кенг ўрин берган. Жумланадан, бош муҳаррир «Садои Фарғона» газетасида эълон қилган бир мақоласида китоб нашри қилиш учун фойдаланиладгина асосий

“МАНМУДХО‘ЈА ВЕНВУДИЙ ПУБЛИСИСТИКАСИ ВА ЖАДИ МАТВУОТИДА ИЖТИМОИЙ-СИЯСИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЙОРИТИЛИШИ” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

ҳомашё — қоғозлар Россия ёки Хитойда эмас, Туркистоннинг ўзида ишлаб чиқарилишини ёзди. Маҳаллий маҳсулотдан фойдаланиш ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришини, миллий қоғоз ишлаб чиқарувчилар фаолияти хукumat эътибор қаратиши, қўллаб-қувватлаши кераклгини таъкидлайди [2].

Чўлпон ўша кездаёк ватан бойликлари мустамлакачилар томонидан ўзлаштирилаётганини, бунга чек қўйиш лозимлигини дадил айтган эди: “...Ватанимизнинг бойлигини, тижоратимизнинг фойдаларини четлар чўнтағига солмасдан ва бермасдан, ўз чўнтағимизда олуб юрмагимиз керакдур. Бизга шундог ишларға киришмокға вақт!.. Биз ҳам инсонмиз, инсондек яшайлук!..” Чўлпон ҳар соҳада замон талабига мос иш тутиш тарафдори эди. Жумладан, иқтисодиётда Европанинг техника соҳасидаги ютуқларидан фойдаланиш зарурлигини куйидагича ифодалаган эди: “Оврўпонинг мактаб, мадраса, илм-фан, саноат, ҳунарга ўхшаш маданиятлари сизларни обод, маъмур олим қилуб, жоҳилликдан, асорат куллигидан кутулдуродур. Биродарлар, кўзларингизни очуб, яхши ўйланглар!!!” [3].

Мустаҳкам иқтисодий асосга таянган ҳолдагина тараккиётга эришиш мумкинлигини Чўлпон ўз қарашларида аниқ ифода этган. Эълон қилинган мақолаларда миллий иқтисодиёт, маҳаллий дәҳқон ва ҳунармандларнинг иқтисодий аҳволи, мустамлакачи маъмуриятнинг иқтисодий сиёсати каби мавзулар ёритиб борилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, газета Обиджон Маҳмудовнинг ўз хусусий матбаасида босилган. Нашрнинг адади 1500-1700 нусха атрофида бўлиб, унинг мақсад ва маслаги илк сонида муҳаррир томонидан қуйидагича белгиланди: “Ғазетани нашрдан мақсадимиз аблатта тижорат эмас, балки халқимизға қўлимииздан келган қадар хизмат этмақдир” [4, 227 б.].

Фарғона водийсининг асосий хўжалик соҳаси дәҳқончилик, хусусан, пахтачилик, ипакчилик бўлгани учун ушбу мавзулар газетада кенгроқ ёритилди. Шуниси борки, мазкур мавзуларда миллий матбуотимизда илк марта журналистик текширув жанрига мурожаат қилинди. Хусусан, Муҳаммад Одилнинг “Пилла кам тутилмоғиннинг сабаби” сарлавҳали мақоласи “Садои Фарғона”нинг 1914 йилд 4 май сонида эълон қилинган. Унда пилла кам тутилаётганинг асосий сабаблари таҳлил қилинади[4, 231 б.].

Ашурали Зоҳирийнинг “Пилла кам тутилмоғиннинг сабаблари” мақоласи газетанинг 1914 йил 11, 14, 16 май сонларида босилган. Муаллиф пилла етиштирмоқ билан боғлиқ муаммоларни “тафтиш” килганини айтиб, натижаларни баён қиласи[4, 232 б.].

“МАНМУДХО‘ЈА ВЕНВУДИЙ ПУБЛИСИСТИКАСИ ВА ЖАДИД МАТВУОТИДА ИЖТИМОИЙ-СИЮСИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЙОРИТИЛИШИ” мавзусидаги халқаро ғимрий-амалий конференсиya

Чўлпоннинг “Ватанимиз Туркистонда зироат ва дехқончилик” мақоласи 1914 йил 30 апрелда мактуб шаклида босилган[4, 233 б.]. Шунингдек, газетадаги талай мақолалар Туркистон ерларининг серҳосиллигини, кимки тадбиркорлик, моҳирлик билан иш юритса, албатта, бойиб кетиши мумкинлигини наглатишга бағишиланган. Шу билан бирга иқтисодий хабарлар ҳам жадид матбуотида эълон қилиб келинган. Жумладан, «Ойна» журналининг 1914 йил 18 январдаги 13-сонида «Абдулҳамид Сулаймоний» имзоси билан босилган “Андижонда янги бонк” номли хабар шулар сирасидан. У биринчи марта адабиётшунос Рустамжон Тоҷибоев томонидан топилиб, 1993 – 1994 йилларда республика газеталаридан бирида эълон қилинган. Материалда Андижонда, мусулмон қитъасинда, «Девони Матқобил ширкат бонки», яъни «вриминний кридит» очилаётгани, унинг аъзолари, тафтиш аъзолари ҳақида маълумот келтирилган.

«Ойна» журналининг 1914 йил, 16-сонида эълон қилинган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Зўраки бой” номли мақоласи қўйидагича бошлиданади: “Охирги вақтларда биз — туркистонлилар тижорат, ҳатто, зироат ва дўкондорлик ишларинда на учун синармиз, яъни ифлос этармиз. Мунинг энг биринчи сабаби илмсизлик, тўғриси ақлсизлигимиздур. Оре, билиб туруб ўз заарини қилмоқ ақлсизликдур». Мақолада Беҳбудий давр бойлариниг турмуши, иқтисодий билимлари йўқлиги ҳақида ёзади[5].

1918 йил «Меҳнаткашлар товуши» газетасидаги “Ғалла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия” номли мақоласида эса Тошкентдаги маориф қурултойида иштирок этгани, Туркистон ҳукуматининг раиси Тобулин афанди билан ғалла, аскар олиш, ер ва сув масаласи бўйича сұхбатлашгини, мазкур йўналишлар бўйича ўз таклифларини билдирганини келтиради. Бундан ташқари, ғалла масаласини ҳал этиш учун «Туркистон ўртоқ қурултойи»да иштирок этиб, ғалла эгалари, пировардида аҳолига енгиллик яратиш мақсадида таклифларини ўртага ташлагани баён этади. Беҳбудий ҳукумат уни эшитгани, таклифларига қулоқ берадиганини эътироф қилиб, мана шундай тадбирларга ҳудудлардан юбориладиган делегация аъзолигига салоҳиятлик ва муносиб кишиларни сайлаб жўнатишлари кераклигини айтиб “... ҳануз ҳалқимиз уйкуда бўлуб, ўз нафъи ва зарури учун қайғурмай, болта келгунча кундадек ётадур. Устига бир йуқни қўйғондан кейин дод дейурга ул вақтда иш ўтган бўлур. Бу ёмон одатни ташламок керак. Замон бошқа замондур»[6], дея одамларни ўз ҳаёти учун масъулиятли бўлишга ундейди.

Шунингдек «Зарафшин» газетаси, 1922 йил, 3 ноябрь сонида Ҳожи Муиннинг «Бой бўлмоқ йўллари” номли мақоласи чоп этилди. Унда муаллиф

“МАHMUDXO‘JA BEHBUDIY PUBLITSISTIKASI VA JADID MATBUOTIDA IJTIMOIY-SIYOSIY MASALAR LARNING YORITILISHI” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

дўстиинг кенгаши билан дўкон очгани, аммо сармоядан асар, савдодан давлат бўлмаганини, не қилса ҳам бой бўла олмагини келтиради. Мақаола сўнгида эса киноф билан “... бу қадар баҳтсиз ва толесизлигимға ўзим сабаб бўлғон эканман. Чунончи, мен большевик бўлиб туриб баъзи большевик ўртоқларимдек халқ номидан закот олишни ўзимга вазифа этмабман. Ҳар ким бой бўлишни истаса, виждан билан алоқа қиддингми, бойлик сендан алоқасини узиши аниқдир, бу нарса менга узоқ тарбиялардан кейин сабоқ бўлди”, дея ёзади[7].

Умуман олганда, жадид матбуотида сиёсий, ижтимоий масалалар билан тенг қаторда иқтисодий масалаларга ҳам кўп мурожаат қилинган. Улар орасида солиқлар, ер эгалиги, иқтисодий билимнинг муҳимлиги, мулкчилик шакллари каби муҳим мавзулар қамровига кўзингиз тушади.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 214-иш // Комилов Б. Н. Жадид обиджон маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари //Илмий хабарнома 2020/ №5(49).
2. Маҳмудов О. Эски барокотлик савдогарчилик // Садои Фаргона. 1914. №7
3. Қозоқов Т., Воҳидова К. “Садои Фаргона” ва “Садои Туркистон” газеталарида иқтисодий масалаларнинг ёритилиши// Ўзбекистон Республика Фанлар академияси “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди Миллии матбуотимизнинг икки дурдонаси “Садои Туркистон” ва “Садои Фаргона” газеталарининг ўзбек халқини эрк ва ҳуррият, миллий бирлик ва тараққиёт гоялари руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари 2015 йил 27 май, 320 б.
4. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1-қисм 1970-1917 йил ноябрь) дарслик.Faфур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009 й., 380 б.
5. «Ойна» журнали, 1914 йил, 16-сон, 270—273-бетлар.
6. <https://ziyouz.uz/matbuot/jadid-matbuoti/1918-3/>
7. <https://ziyouz.uz/matbuot/jadid-matbuoti/hoji-muin-boy-bolmoq-yollari-1922/>